МАСАЛ АДАБИЙ ИСТИЛОҲИГА ДОИР

Д.З.АБДУЛЛАЕВА

Автор статьи, рассматривая этимологию термина “масал” (притча, басня), доказывает, что данный термин в древности обозначал целый ряд жанров, объединенных по функциональному признаку.

The author of the article considering the etymology of the term in Fable proverbs fact that term expended a number of genres in old times united according to the functional features.

Ибратли ҳикоя айтиш, мисол келтириб ўгит беришга зарурат инсоният тарихининг илк даврларидаёқ юзага келган. Дастлабки дидактик адабиёт жанрларидан бири масалнинг яратилиш замини Шарқ мамлакатлари ҳисобланади. Аксарият адабий манбалар, луғатларда “масал” сўзининг араб

тилига оидлиги қайд этилади. Қадимги иврит тилида ҳам “машал” (לָשָׁמ, *машал*) атамаси остида панд-ўгит мазмуни акс этган асарлар тушунилган. Маълумки, араб ва яҳудий тиллари семит тиллари гуруҳига мансуб бўлиб, уларнинг луғат бойлигидаги сўзлар бир-бирига ўзлашган, сўзлар ва гапларнинг структураси жиҳатдан айрим мувофиқликлар мавжуд. Масалга адабий истилоҳ сифатида берилган таърифларни кўздан кечирсак, араб, форс, татар, рус ва ўзбек адабиётига оид манбалардаги изоҳ ва тавсифлар ўртасида ўзаро ўхшашлик ва тафовут борлиги кўринади. Х.К.Баранов томонидан тузилган луғатда масал сўзининг 1) ўхшамоқ; 2) тасвирламоқ; 3) жонлантирмоқ (яъни жонсиз предметларга шахс хатти-ҳаракатларини кўчириш); 4) роль ўйнамоқ; 5) намойиш қилмоқ; 6) таққосламоқ, мисол келтирмоқ; 7) юзага чиқармоқ; 8) ўзлаштирмоқ; 9) намуна олмоқ, тақлид қилмоқ; 10) кўзга яққол ташланмоқ сингари ўндан ортиқ маънода қўлланиши изоҳланган [1.741]. Муҳаммад Али Теҳронийнинг “Фарҳанги Котузиён” луғатида масал *достон* деб келтирилади. Шунингдек, одамлар ичида *машҳур бўлган ҳикоялар* масал дейилиши таъкидланади [2.673]. “Луғатнома” муаллифи Али Акбар Деҳхудо Маҳмуд Авфийнинг “Истилоҳат ул-фунун” асарида зарбулмасал атамасига берилган таърифини келтиради: “Иборат аст аз зикри чизе то зоҳир шавад асари он дар ғайри он чиз”, яъни “Бир нарсани зикр қилиш билан бошқа нарсага таъсир этилади” [3.75].

Форс адабиёти назариётчиси Атоуллоҳ Ҳусайний ирсолу масал санъатига тўхталиб, ирсолни қуйидагича талқин қилади: “Ирсол луғатта юбормоқдур. Бир жамоа орасида *машҳур бўлған* ва ул жамоа ўз каломинда турли ишларга ўхшатиш ва *мисол тарзида* кўп зикр қилған *достон ва ҳикоятларни* масал дерлар”[4.135-136]. Масал сўзининг кенг маънода қўлланиши ушбу талқинларда ҳам кўриниб турибди. А.Ҳусайний ирсолу л-масал санъатининг моҳиятини тушунтириб, байтда масал (айни вақтда мақол) келтириш “ўзга кишига юбормоқ учун” ва шу боис “ирсолу л-масал” эканлигини таъкидлайди. Бундан масал ёхуд мақол келтиришдан мурод бошқа бир кишига намуна кўрсатиш, шу восита билан ўгит-насиҳат бериш эканлиги англашилади. XIX аср II ярмида тузилган “Ахтарул Кабир” луғатида ҳам *ўтмишдан келтириладиган ҳикоя ва қиссаларни* масал деб аталиши таъкидланади [5.210].

Масал атамаси тор маънода жанрни англатса, кенг маънода масалнамо асарларга нисбатан қўлланади. Қадимда нутқда мисолга олинган асар – ибратли ҳикоя, ўгит, насиҳат, панд, ҳикматли сўз “зарбулмасал” атамаси билан юритилган. Ўрта аср шарқ халқларида масал тушунчасини англатувчи “Зарбулмасал” атамаси қўлланган. Араб олими Муҳаммад Жабалрудий зарбулмасални масал, тамсилнинг синонимлари, деб уқтиради... ва бошқа бир ўринда рамзли ҳикоя маъносида қўллайди” [6.8]. “Ғиёс ул-луғат”да “Зарбулмасал масал, мақол билан уриш, нутқда у ёки бу кўчма маънони келтириш” деб белгиланган.

Эътибор берилса, юқоридаги манбаларда “масал” тушунчаси муайян шаклий хусусиятларга эга бўлган алоҳида жанрни эмас, балки функционал жиҳатдан умумийлик касб этувчи бир қатор жанрларни ўз ичига олиши аён бўлади. Адабиётшунос Д.Қуронов образли тафаккур асосида яратиладиган асарларни, хусусан, энг қадимги давр асарларини уч типга ажратиш мумкинлигини қўйидагича кўрсатади: “1) олам тартиботини англашга қаратилган миф; 2) олам бағридаги одамни, унинг бутун олам билан бирлигини идрок этишга қаратилган эпос; 3) конкрет ҳаётий ҳолатлар идрокига қаратилган ва амалий-татбиқий характердаги масал, эртак, ривоят, ҳикоят, латифа кабилар”[7.114].

Яъни масал дейилганда, нутқда бирор ҳаётий вазият туфайли сўзловчи томонидан келтирилган воқеий, ибратли ҳикоя тушунилган. Учинчи тартибда кўрсатилган “эртак, ривоят, ҳикоят кабилар”нинг ҳар бири ўз ўрнида масал (яъни мисол) сифатида сўзловчининг фикрини далиллаш, ўгитини, насиҳатини образли, ёрқинроқ баён этиш учун нутқда фаол қўлланади.

Далиллаш шакллари ичида масалнинг ўрнини Аристотель «Риторика» асарида белгилаб берган эди. Аристотель нотиқликда ишонтиришнинг иккита усули - мисол (paradeigma) ва энтимема (enthymema)ни кўрсатади. “Мен риторик силлогизмни (асословчи фикрни) – энтимема деб атайман, ҳаётий мисолни эса – риторик йўллаш деб атайман: чунки барча нотиқлар ўз фикрини асослашда ё *ҳаётий мисол* келтирадилар, ё энтимемалар қурадилар – фикр билан асослайдилар”[8.232].

Аристотель таъкидлаган *ҳаётий мисол* дастлаб оғзаки сўзлашувда, антик давр нотиқлик мактабларида бирор зарурият, вазият учун келтирилган. Антик давр шоирлари ва файласуфларининг асарларида масалларга мурожаат қилиш ҳоллари кўпчиликни ташкил қилади. Софокл, Гесиод, Архилох, Эсхил, Аристофан, Демокрит, Платонларнинг асарлари шулар жумласидандир. Ёзма адабиётда масалларнинг ўринлашиши эса кейинги даврларга хосдир. Шарқ мумтоз адабиёти намояндаларидан Жалолиддин Румий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Хожа кабиларнинг асарларида шоирнинг бадиий, фалсафий-ижтимоий ғоясини далиллаш учун воқеабанд сюжетдан фойдаланилган.

Жалолиддин Румийнинг “Маънавий маснавий” асарида ибратли воқеа-ҳодисалар орқали инсон ҳулқини тарбиялаб, унинг маънавий-руҳий бутунлигини таъмин этадиган ҳикоятлар келтирилади. “Арслон ва нахчйирлар” ҳақидаги масалда кишиларнинг ақли ва нафси доимо курашда экани баён қилинса, “Баққол ва унинг тўтиси” масалида фақат ташқи шаклга эътибор қилиш ва шундан хулосага келиш, моҳиятга эътибор қилмаслик хато ва бундан инсонларнинг азият чекишларига ишора қилинади [9.199,135].

Алишер Навоий “Ҳайратул-аброр” достонининг ўнинчи мақолати ростлик ва ёлғон ҳақида бўлиб, шоир бу борадаги фикрларини қатор ташбеҳлар билан ифодалайди. Ўқ ва ёй, қалам, най, Сулаймон узуги мисолида тўғриликнинг натижаси хусусида сўз юритади.

Хомаки, тузлукка эрур раҳнамун,
Кесилибон боши бўлур сар нигун.

Қалам (хома) тўғрилик (тузлук)ка йўл кўрсатгани учун боши кесилиб, пастга (сар нигун) қараб туради деган тезис-фикрини шоир асослаш, далиллаш учун мақолатнинг кейинги бўлимида воқеий ҳикоя – “Шер ва Дуррож” масалини келтиради. Мақолат сўнггида “қиссадан ҳисса” сифатида якунловчи хулоса қуйидагича берилган:

Ҳар кишиким ростни бехост дер,
Айтса ёлғон доғи эл рост дер.
Сўзда, Навоий, не десанг, чин дегил,
Рост наво нағмаға таҳсин дегил. [10.212]

Олинган мисол у хоҳ масал бўлсин, хоҳ ривоят ёки эртак, нима бўлишидан қатъи назар, маълум бир вазифани бажаради. Шоирнинг очиқчасига ўгит, насиҳат беришидан кўра воқеий ҳикояни мисол келтиришининг тингловчи ёки ўқувчига таъсир кўлами самаралироқ бўлади.

Мисолга олинувчи асарнинг, функционал жиҳатдан қаралса, қуйидаги хусусиятларга эга бўлиши тақозо этилади: 1) ҳажмнинг қисқалиги; 2) тез ривожланувчи сюжет бўлиши зарурлиги; 3) сўнгида “қиссадан ҳисса” бўлиши; 4) универсаллик; 5) умумлаштириш мазмунининг етакчилиги.

Кўринадики, кўчма маъно ифодалайдиган ва ибратга йўналтирилган сюжетларнинг у ёки бу бадиий асар замиридан жой олиши ҳам масал типидаги асарларнинг амалиётда кенг қўлланилиш хусусияти билан боғлиқ.

Машҳур бўлган воқеаларга халқ орасида, нутқда, сўзлашувда достон дейилишини юқорида кўрдик. Бундай воқеа сюжетлари шундай оммалашадики, натижада мисолга олинаётган нисбатан каттароқ эпик кўламга эга воқеий ҳикоя сиқиқ, ихчам шаклга келади. Биргина жумла ифодаси ҳам ўша машҳур асарнинг мазмунига ишора қилади. Масал типидаги асарлар кўпинча халқ ўртасида оммалашган бўлади.

Мумтоз шоирлар китобхонга бирор ўгит айтар экан, баъзан “Калила ва Димна”дан бу қиссани ўқиш ва ҳисса чиқариш зарурлигини таъкидлайди. Румий, Гулханий асарларида ушбу ҳолатларни кузатиш мумкин. Демак, айтиш жоизки, ижодкор ўзининг муайян ғоявий мақсадини ўқувчига сингдириш учун *мисол келтиришни* қулай усул деб билади. Асарда дидактик ғояни ифодалаш учун намуна, ибрат бўларли мисол кўрсатишда асар мантиғидан келиб чиқиб ёндашилади.

Демак, Шарқда масал деганда фақат аллегорик образлар қатнашадиган жанрни эмас, балки ўгит, панд, насиҳат, таълим бериш мазмунини ўзида сингдирган, халқ ўртасида машҳур бўлган, воқеликка асосланган асарлар тушунилган. Муайян асарнинг сюжет схемалари бир халқдан иккинчисига сайёр ҳолда ўзлашган бўлса, бошқа томондан айрим асар турлари адабий алоқа ва таъсир натижасида юзага келган. Масалга хос асосий хусусиятлар воқеликни баён этиш, хотимада “қиссадан ҳисса”нинг берилишидир.

Айрим мақоллар масалнинг кристаллашган шаклидир. “Нима эксанг, шуни ўрасан” мақоли Луқмон ва унинг хожаси ҳақидаги воқеий, масалнамо сюжет негизида пайдо бўлган. Хожаси Луқмонга буғдой экишни буюрганда, у арпа экади. Хожа экилган нарса буғдой эмаслигини таъна қилганида, Луқмон арпа экса буғдой бўлиб етилмаслигини, Хожанинг халққа зулм қилиши эвазига жавобан эзгулик кўрмаслигини айтади. Мазкур сюжет халқ китоблари таркибида, баъзан латифалар замирида ўзгарган ҳолатда учрайди. Ундан келиб чиқадиган “қиссадан ҳисса” “Нима эксанг, шуни ўрасан” мақоли рус фольклорида (“Что посеешь, то и пожнёшь”) ҳам мавжуд.

Ҳозирги тушунчамиздаги маталлар ҳам ҳаётий воқелик билан, муайян вазият, ҳолат билан алоқадорлигини таъкидлаш ўринлидир.

“Матал” термини ҳақида фольклоршунос Б.Саримсоқовнинг қуйидаги мулоҳазалари эътиборга молик: “Бизнингча, “матал” термини араб тилидаги “масал” сўзидан айрим фонетик ўзгаришлар орқали ўтиб ўзлашган ва тугал ҳукм ифодалайдиган образли ибораларга нисбатангина қўлланила бошланган бўлса керак”[11.88]. Адабиётшунос “матал” атамасининг “масал” дан келиб чиққанлиги, “матал” масалнинг архаик формаси эканини исботлайди. Дарҳақиқат, араб тили грамматикаси бўйича адабиётларда фонетика ва артикуляцияга оид кузатишларда “с”ни “т” талаффуз этиш ҳолатлари мав-

жудлиги қайд этилган. Масалан, араб тилидаги “*сом*” (саримсоқпиёз) сўзи “том” шаклида талаффуз этилади. Ўрта аср оромий тилида эса *tuma* шаклида жаранглайди. Қадимги иврит тилида *sum* – саримсоқпиёзни англатади [12.36].

Халқ ўртасида бўлмағур, ёлғон гапга, сафсатага нисбатан “матал тўқима”, “нақл айтма” ибораси қўлланади. Рус халқида ҳам ишонарсиз гапга нисбатан “притча” атамаси ишлатилади.

Нақл – (ар. кўчириш, кўчириб ўтказиш, ташимоқ) халқ орасида оғиздан оғизга кўчиб юрган сўз, гап, ҳикматли сўздир. Моҳиятан сайёр сюжетли асарлар нақлга тўғри келади. Нақл атамаси остида бирор асардан кўчирма келтириш, иқтибос олиш мазмуни ҳам тушунилади [1.826]. “Қуръони Карим”нинг аксарият сураларида ҳам масал сўзи турли маъноларда келтирилади. Масалун – кўплиги амсалун, масал, ривоят. Ёки масал масалан, масалаҳу, масалуҳум, ал-амсал, амсалукум, амсалу(и)ҳа, амсалаҳум шаклларида қўлланган. Мислун кўплиги амсалун ўхшаш, сингари мазмунида мисликум, мислу, мислиҳа, мислҳум, мислаҳунна, мислайҳа, мислайҳим шаклларида учрайди. Муслатун – ибрат қилинган жазо мазмунида бир ўринда келади. Ўзаги масал бўлган сўзлар 153 ўринда келган.

“Анкабут” сурасининг 43-оятида “Ушбу масалларни Биз одамлар (ибрат олсинлар) учун айтурмиз. (Лекин) уларни фақат илм эгаларигина англай олурлар”[13.288] дейилади. Бу ўринда масал сўзи ибратли сўз, воқеа маъносини билдиради. Ушбу сурада одамларнинг айрим хулқ-атвори ўргимчакнинг ин қуришига таққосланади: “Оллоҳдан ўзга “дўст”ларни ушлаган кимсаларнинг мисоли худди (ўзи учун) уй қуриб олиб, (ўша уйидан паноҳ истаган) ўргимчакка ўхшайди. Албатта, уйларнинг энг нимжони ўргимчак уясидир. Агар улар билсалар эди, (ўргимчак уяси каби) ожиз бутлардан паноҳ истамаган бўлур эдилар”. “Бақара” сурасининг 26-оятида: “Албатта, Аллоҳ чивинни ёки ундан устунроқ нарсани мисол келтиришдан уялмас. Иймон келтирган, албатта, у Роббиларидан келган ҳақлигини билурлар. Аммо куфр келтирганлар: “Аллоҳ бу мисолдан нимани ирода қилди?” дерлар. У ўша билан кўпчиликни залолатга кеткизар ва ҳидоятга солар. У ўша билан фақат фосиқларнигина ҳалокатга кеткизар”. Мазкур оятда Оллоҳ қудратининг улуғлиги ва инсоннинг унинг каби чивин ёки бошқа катта нарсани яратолмаслиги таъкидланади. Оятнинг батафсил шарҳи “Тафсири ҳилол”да келтирилган [14.29-30]. Қуръони Каримда масал сўзи воқеа, ҳикоя мазмунини ҳам ифодалайди. Шунингдек, панд-насиҳат маъносини ифодалаш учун ҳам масал сўзи келтирилган: “Биз бу Қуръонда одамларга панд-насиҳат олишлари учун) турли масаллар баён қилдик. Дарҳақиқат, инсон жуда кўп жанжал-баҳс қилгувчидир” (“Каҳф” сураси. 18:54.210). Кўчма маънони ифодалаш учун ҳам масал атамаси қўлланади.(Нур сураси. 24:35. 254.)

Кофирлар ва мўминлар ҳақида сўз борганда, улар кўру кар ва кўргувчи ва эшитгувчи мисоли сифатида тавсифланади: “Бу икки гуруҳнинг (яъни кофирлар билан мўминлар гуруҳининг) мисоли, худди кўру кар билан кўргувчи ва эшитгувчининг мисолидир. Шу иккаласи бир-бири билан баробар бўлурми? Ибрат олмайсизларми?” Демак, диний-маърифий манбаларда, хусусан, «Қуръони Карим»да масал сўзининг кўчма маънода қўлланилиши кўринади.

Гулханийнинг “Зарбулмасал”ида моҳият эътибори билан шунга ўхшаш масал – “Бийно ва Нобийно” ҳикояти. “Бийно ва Нобийно” ва “Калила ва Димна” асаридаги ҳикоятлар сюжет схемаси жиҳатдан уйғунлик касб этади. “Калила ва Димна”да бу сюжет “Бир кўзи кўр билан бир кўзи очиқ...” деб бошланади. Ҳикоятнинг қисқача мазмуни қуйидагича. Бир кўзи кўр ва кўзи очиқ киши ҳамроҳ бўлиб сафарга чиқишади. Ногоҳ кўрни қамчиси ерга тушиб кетади. У отидан тушиб совуқда Мусонинг хассасидек бўлиб карахт ётган илонни қамчи фаҳмлаб қўлига олади. Буни ҳамроҳи кўриб уни огоҳлантиради. Кўр эса унинг гапига қулоқ солмай, аксинча, қамчинни мендан олмоқчи деб ўйлайди ва ташламайди. Кун исигандан сўнг илон ўзига келади ва кўрнинг қўлини чақиб олгач, у ҳалок бўлади.

Эзоп масалларида эса айнан шундай бўлмаса ҳам, лекин масал охиридаги воқеалар тизими бир масал тарзида келтирилади. Масал “Чўпон билан илон” деб номланган. Бунда икки йўловчи эмас балки, бир чўпоннинг совуқда қотиб қолган илонни қутқариб иситгандан сўнг ўзини чақиб нобуд қилганлиги баён қилинади. “Зарбулмасал”да келтирилган “Бийно ва Нобийно” ҳикояти айнан “Калила ва Димна”даги ҳикоятга ўхшаш. У ҳажман қисқа бўлиб: “Нобийно Бийно сўзини қулоққа олмайин ҳижолатдан йилонга ўзини чақтирди, ҳалок бўлди”[15.6], деб якунланади. Бу масални Гулханий “Калила ва Димна”дан тўлиқ ўқиб олиш кераклигини уқтиради. Гулханий ўз асарини ёзишда “Калила ва Димна”даги ҳикоятдан илҳомланган. Уни бадиий жиҳатдан қайта ўз асарида баён этган. “Калила ва Димна”да келтирилган ушбу ҳикоятнинг образлар тизимига тўхталсак: Унда бир йўловчи, қамчи, қўл, от, заҳарли илон, Мусонинг ҳассаси, ер ва оллоҳ (яъни кўрнинг оллоҳ менга эски қамчи ўрнига янгисини берди деган сўзида бор) образларидан иборат.

Эзоп масалларидаги образлар тизими эса қуйидагича: йўловчи, илон, тана, қуш. “Зарбулмасал” асарида қуйидаги образлар келтирилади: Бийно,

Нобийно ва йилон. “Калила ва Димна”даги ҳикоятда образлар тизими кенг. “Калила ва Димна”да ифодаланаётган воқеа, жой, шароит ва муҳит, у ерда кечаётган суҳбат, бўлаётган воқеалар ўзига хос. Ҳикояда воқеалар майда деталларгача батафсил баён этилган. Ўқувчи бу ҳикояни ўқиб бемалол тушуниши, воқеани кўз олдига келтириши мумкин.

Эзоп масалларида эса масал воқеалари қисқа, лўнда ва тушунарли қилиб ёритилган. Эзоп масалида илон одам танасидан тафт олиб ўзига келган бўлса, “Калила ва Димна”да қуёш тафтидан ўзига келади. Иккала асардаги образлар тизимида ҳам, ифода ва тасвир воситаларида ҳам фарқ бор. Эзоп масалларини ўқиган китобхон беихтиёр “Калила ва Димна”ни ўқигандан сўнг муаллиф юқоридаги асарни ёзишда келтирган ҳикоясини Эзоп масалларидан, хусусан, “Йўловчи билан илон” масалидан таъсирланган деган хаёлга бориш мумкин.

“Зарбулмасал” асарини ёзишда эса айнан “Бийно ва Нобийно” ҳикоятини келтираётганда муаллиф “Калила ва Димна”дан таъсирланганини очиқ тан олади. Ҳикоя воқеалари айнан “Калила ва Димна”дагига ўхшаш бўлса-да, ҳажман Эзоп масалларига яқиндир. Фақатгина “Зарбулмасал” асарида келтирилган образларнинг номлари бошқа.

Ҳикоятлар сўнггидаги қиссадан ҳисса ҳақида тўхталсак, бир хил воқеликка муаллифлар томонидан уч хил хулоса чиқарилган. Эзоп масалларида қуйидагича ҳисса чиқарилган: кимки табиатан бадфеъл бўлса, уни ҳеч қандай жазо тузата олмайди. “Калила ва Димна”да эса кўр тутганини қўймаганидек, сен ҳам дунё молига ҳирс қўйма. “Зарбулмасал”да, бошқалар фикрига ҳам қулоқ солиш керак, акс ҳолда халокатга дучор бўласан деган хулоса янграйди. Гувоҳи бўлганимиздек, ҳар бир муаллиф мазмунан битта воқеага уч хил мақсадни жо этган. Мазмуни бир хил бўлса-да, бири иккинчисини такрорламаган ҳолда янгича бадиий образлар орқали воқелик касб эттирганлар.

Хулоса шуки, масал жанридаги ва масалнамо асарлар дидактик адабиёт шакли сифатида қадимги даврлардан ҳозиргача кенг маънода қўлланган, ёзувчи, шоирнинг дидактик ғоясини асослашда мисол тарзида асарлар таркибида келган. Масалнинг аллегорик мазмун ифодаловчи жанр сифатида тараққий этиши ва жанр чегараларини касб этиши кейинги даврга хосдир. Масал типидаги асарларнинг амалий характерда эканлиги, унинг бошқа жанр ва адабий шакллар билан ўзаро алоқадорлиги масаласи тадқиқ этилиши зарур. Бундай асарларнинг композицион қурилишида аввал ҳикоя берилиши, кўчма маъно ифодалаши, “қиссадан ҳисса” берилиши асосий жиҳатлардир. Шарқ ва ғарб адабиётида масал типидаги асарлар инсонлар учун амалий аҳамият касб этган; дастлаб оғзаки нутқда, фольклор асарлари таркибида оммалашган; қадимги юнон нотиқлик мактабида истеъфода этилган; фикрни образли ифодалаш ҳамда ибратли мисол келтириш мақсадида фойдаланилган. Масал типидаги асарлар функционал хусусиятлари, шаклий-мазмуний тузилиши, мундарижаси, образлар тизими каби жиҳатлардан ўзаро муштаракликка эгадир. Масал ва масал типидаги асарларнинг яшовчанлигини таъминлайдиган омиллар унинг дидактик мазмунга эгалиги, турли даврдаги инсонлар жамиятининг этик-эстетик эҳтиёжларига жавоб бера олиши, нутқда фойдаланишга қулайлиги, ибратга йўналтирилганлигидир.

Адабиётлар:

1. Баранов Х.К. Арабско-русский словарь.- М.: Русский язык., 1989. – 928 с.
2. Муҳаммад Али Теҳроний. “Фарҳанги Котузиён”. – Теҳрон, 1964. – 720 б.
3. Али Акбар Деҳхудо. Луғатнома. – Теҳрон, 1995.
4. Ҳусайний А. Бадоеъ-ус-саноеъ. – Т., 1981. – 400 б.
5. Ахтарул Кабир. – Қозон, 1899.
6. Тилавов Б.Т.Поэтика таджикских народных пословиц. – Душанбе, 1967.
7. Қуронов Д. Роман ҳақида айрим мулоҳазалар // Шарқ юлдузи.- 2011.- № 5.- – 114-бет.
8. Арасту. Поэтика. Ахлоқи кабир. Риторика. – Т.: Янги аср авлоди, 2011. – 352 б.
9. Жалолиддин Румий. Маънавий маснавий. 1-ж.1-к. – Т.: Шарқ, 1999. – 368 б.
10. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 жилдлик. 7-ж. Ҳайратул-аброр. – Т.: Фан, 1991. – 392 б.
11. Саримсоқов Б. Мақоллар // Ўзбек фольклори очерклари. 3 жилдлик. 1-жилд. – Т.: Фан, 1988. – Б. 88.
12. Гранде Б.М. Курс арабской грамматики в сравнительно-историческом освещении. – М., 1963.
13. Қуръони Карим. - Т.: Чўлпон, 1992. – 544 б.
14. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тафсири ҳилол. – Т., 2005.
15. Гулханий. Зарбулмасал. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 64 б.

Андижон давлат университети,
2012 йил 3 апрелда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Д.Қуронов)